



КОНЦЕПТ КАТЕГОРИЯСИНИНГ МОҲИЯТИ, ТУЗИЛИШИ, МАЗМУНИ

Курбонова Севара Рустамжон қизи

Андижон давлат чет тиллар институти

Магистранти. Тел +97 3469858

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7575164>

ARTICLE INFO

Received: 15th January 2023

Accepted: 25th January 2023

Online: 26th January 2023

KEY WORDS

Концепт, лингво
культурология, структур,
семантик, категория,
моҳияти, тузилиш.

ABSTRACT

Ушбу мақола концепт категориясининг моҳияти, тузилиши, мазмуни ҳақида бўлиб катор ўзбек, рус ва инглиз олимларининг концепт ҳақидаги изланишлари тўғрисида.

Концепт атамаси илмий истеъмолга кирган даврда уни «тушунча» билан тенглаштириш ҳолатлар тез-тез кузатилган бўлиб,¹ тилшунос олим Ю.Степанов ушбу бирликларнинг ўзаро синонимлигини уқтириш билан бирга уларнинг ноўхшашлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, атамалар ўртасидаги асосий фарқ уларнинг фаолият муҳити билан белгиланади: тушунча асосан, мантиқ ва фалсафада қўлланилади, концепт эса мантиқнинг бир тармоғи – математик мантиқ атамаси бўлиб, сўнгги пайтларда маданиятшунослик ва лингвокультурологияда ҳам мустаҳкам ўринлашди. «Маданият ҳақидаги фанда концепт атамаси фақат тузилиш ҳақида сўз юритилганда, маданий мазмун мавҳумлаштирилганда қўлланилади»². Бошқача айтганда, тушунчадан фарқли ўлароқ, концепт – бу нафақат мантиқий белгиларни, балки психологик, илмий, эмоционал, маиший, бадий вазият ва ҳодисаларни ўз ичига қамраб олган маълум маданий аҳамиятли кечинмадир.

Антропоцентрик ёндашувнинг шаклланиши, тилни ўз субъекти билан биргаликда тадқиқ этишнинг янада жадаллашиши натижасида фанлар интеграцияси, яъни кесишиши рўй берди. Тилшунослик, жумладан, математик методларни ўзлаштириб борди, терминологик системалар ҳам ўзаро бир-бири билан кесиша бошлади.

Замонавий фалсафа концептлар олами категориялари билан иш кўрмоқда. Бундан ташқари, маданият фалсафаси учун мазкур категория таянч категориялардан бири сифатида намоён бўлади. Ҳозирда концептни қўлланиш соҳаси асосида тушунчадан фарқлаш муаммолидир. Тилшунослик фанлари учун ушбу атама нисбатан

¹ Кондаков Н. И. Логический словарь-справочник. – Москва: Наука, 1975. – С. 258.

² Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1997. – С. 42.



янги бўлишига қарамай, унинг шаклланиши ва тадқиқ қилиниши фалсафий тафаккурнинг барча ривожланиш босқичлари негизида давом этган.

В. фон Гумбольдт, Н.Д.Арутюнова ва б. концепцияларида тилнинг семантик тадқиқига бағишланган тадқиқотларнинг тақдим этилиши атаманинг замонавий талқини учун асос бўлади.

Н.Кондаков концепт атамасини «мулоҳазалар, яъни фикрларнинг бир бутун йиғиндиси бўлиб, уларда объектнинг фарқли белгилари ҳақидаги нимадир ифодаланади, ушбу объектнинг умумий ва шу билан бир вақтда муҳим белгилари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ядроси ҳисобланади тушунча – предмет, ҳодисани англаш натижаси»³ деб тушунади.

Н.Ф.Алефиренко образ, тасаввур ва тушунчаларни оламнинг интеллектуал-эмотив интерпретацияси акс этган мантиқий-эпистемологик структуралар сифатида таърифлайди. Концепт лисоний белгининг пайдо бўлишига асос ҳисобланади, чунки концептуал юкни ташиш, ифодалаш ва бошқа одамларга етказиш учун белги керакдир⁴. Умуман, замонавий тилшуносликда тафаккур бирлиги бўлган концептнинг тилда (аниқроғи нутқда) акс этишини таъминловчи структуралар, ҳаракатлар, қоидаларни аниқлаш муҳим вазифалардандир. Бу вазифа яна тафаккур жараёни, ташқи олам идроки ҳаракатлари қай шаклда ва қайси воситалар орқали кечишини билиш масаласига бориб тақалади. Замонавий фалсафа ва тилшуносликда (айниқса, когитологияда) ментал ва нутқий ҳаракатлар бир хил шаклдаиҷро этилиши, ўз навбатида, матн лисоний тафаккур фаолияти маҳсули бўлиши ахборот назарияси (унинг узатилиши ва қабулқилиниши) нуқтаи назаридан изоҳланмоқда. Дарҳақиқат, ахборот барча тирик мавжудотлар ҳаётининг ажралмас қисмидир.

Ахборот назарияси тафаккур ва лисоннинг кесишишмайдони бўлиб, тафаккур воситасида инсон атроф-муҳит билан ўзаро муносабатга киришади, унинг воситасида воқелик образлари фарқланади, ҳиссиёт органлари ва мия томонидан қабулқилинаётган ахборот қайта ишланади ва амалий фаолиятгажалб этилади. Ахборот фаолиятини таъминловчи ушбу жараёнмаҳсус белгилар қўлланиши ҳамда ахборотнинг белгилар ёрдамида ифодаланиши билан бошқа тус олади.

Н.Кондаковнинг фикрлари юқоридаги таърифга ҳамоҳангдир: «моддий лисоний қобик билан чамбарчас боғлиқ», «ўз воқеланишини вербал шаклланишда топади», «сўзларнинг шаклланиш базасида вужудга келади ва улардан ташқарида мавжуд эмас. Сўз тушунча ташувчиси ҳисобланади... Сўз билан ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунча унга ўхшаш эмас»⁵.

Р.Карнапнинг семантик концепцияси бўйича «мавжуд предметларнинг лисоний ифодаси ва денотатлари ўртасида айрим мавҳум объектлар –концептлар ҳам бор»⁶.

³ Кондаков Н.И. Кўрсатилган манба.– Б. 456.

⁴Алефиренко Н. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: Учеб. пособие – М.: Флинта: Наука, 2010. – С. 136.

⁵ Кондаков Н.И. Кўрсатилган манба. – Б. 456 – 457.

⁶Карнап Р. [Значение и необходимость : исследование по семантике и модальной логике: монография - Москва: Изд-во иностр. лит., 1959](https://biblioclub.ru/index.php?page=book_red&id=256402) // https://biblioclub.ru/index.php?page=book_red&id=256402



Айрим фалсафий луғатлар, хусусан, И.Фролова таҳрири остидаги луғатда концепт тушунча маъноларидан бирининг синоними, маънодоши сифатида берилган ва ғоялар номи деб талқин қилинган. «...тушунча ушбу номнинг адекват қабул қилиниш, ўзлаштирилиш шартидир»⁷.

Тадқиқотчи У.Йигиталиев «концепт», «тушунча» ва «маъно» терминларини таҳлил қилиб, шундай хулосага келади: «сўзнинг лексик маъноси ва концепт тафаккур ва когнитив хусусият билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, онгда борлиқнинг акс этиши натижасидир. Бироқ концепт когнитив онг маҳсули бўлса, сўзнинг лексик маъноси лисоний онг маҳсулидир. Концепт билан сўзнинг лексик маъноси ўртасидаги фарқ шундаки, концепт концептосфера бирлиги ҳисобланса, сўзнинг лексик маъноси тилнинг семантик майдони бирлигидир. Концептнинг моҳияти кенгроқ бўлиб, у ўзида фақатгина маъно компонентларини эмас, инсон ҳаётий тажрибасида орттирилган билимларни, онгдаги ахборот йиғиндиси, у ёки бу предмет ёки ҳодиса ҳақидаги энциклопедик билимларни ҳам жамлайди»⁸.

Ўтган асрнинг 60-йиллари лингвистик семантиканинг гуллаб-яшнаган даври деб ном олиб, унинг метод ва категориялари деярли барча илмий соҳаларга кириб борди. Бу ҳолат Ж.Дерридага янги даврни «матнлаштириш даври» деб номлашга имкон берди. Фалсафий феноменлар ва бошқа фанлар ҳодисаларини тадқиқ қилиш учун тилшуносликни жалб этиш зарурати Н.Д.Арутюнованинг ишларида ўз назарий-методологик исботини топган. Унинг фикрича, «амалий жиҳатдан барча замонавий фалсафий мактаблар – феноменология, тил фалсафаси, герменевтика ва бошқаларнинг тилга мурожаат қилиши тасодиф эмас. Ҳақиқатан, у ёки бу тушунчани англатувчи сўзлар этимологияси, синонимлар, антонимлар, турли бирикмалар, типик синтактик конструкциялар, қўлланиш контекстлари, синтактик майдонлар, баҳо, образли ассоциациялар, метафизика, фразеология, нутқ қолиплари – буларнинг барчаси ҳар бир тушунча учун индивидуал «тил»ни яратади, ...бу эса концептни реконструкция қилиш ва шахс кундалик онгида эгаллаган ўрнини аниқлаш имконини беради»⁹. Шундай қилиб, олима тафаккур ва тил ўртасида бевосита боғлиқликни таъкидлаган В.фон Гумбольдт, А.Потебня ва бошқаларнинг концепцияларига яқинлашади.

Концептни таърифлашга йўналтирилган кўплаб ёндашувларга қарамасдан, илмий адабиётда унинг дефиницияси ва моҳиятини тушунишга қаратилган ягона ёндашув мавжуд эмас. Мазкур атамани англашдаги қийинчилик сабаби унинг тилшунослик, психология, социология, фалсафа чегараларида мувозанатни сақлаб турган категориянинг кўпсатҳлиги, ўзида лингвистик, фалсафий сатҳларни синтезлаши, турли илмий соҳа, йўналиш ва тадқиқотларда қўлланилаётганидир.

Ўзбек тилшуносли олими Ш.Сафаров ҳам юқоридаги таърифга ҳавола келтиради¹⁰ ҳамда концептнинг шаклланиши индивидуал образ туғилишидан бошланиб, лисоний бирликнинг пайдо бўлиши билан тугагини таъкидлайди¹¹.

⁷ Философский словарь. Под ред. И.Т.Фроловой. – М.: Политиздат, 1991. – С. 203.

⁸Йигиталиев У. Кўрсатилган манба. – Б. 34.

⁹ Арутюнова Н.Д. Понятие судьбы в контексте разных культур // Научный совет по истории мировой культуры. – М.: Наука. I полугодие, 1994. – С. 3.

¹⁰Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2008, – Б. 17.



З.Д.Попова ва И.А.Стернинлар юқоридагига ўхшаш фикрни билдириб, концептни ўзида тизимли билим квантини намоён қилган глобал тафаккур бирлиги деб тушунадилар¹².

В.И.Карасик эса концепт атамаси остида бирламчи маданий шакллар, инсон кундалик ҳаётининг барча жабҳаларига, хусусан, оламни тушунчавий, образли ва б. соҳаларига кўчиб ўтаётган объектив маъноли сўзларнинг ифодаланишини тушунади¹³.

Мазкур ёндашувда асосий урғу концептнинг миллийлиги билан ажралиб туриши томон силжиб боради. Концепт шаклланишининг ўзига хос хусусиятларига шаклланаётган контекстнинг табиий, ижтимоий-маданий хусусиятлари ҳам таъсирини ўтказди. Концепт ўзида «маълум маданият кишиси маънавий тажрибасининг изи, белгиси»¹⁴ни намоён этади.

Концептнинг шундай интерпретацияси Э.Г.Азимов, А.Н.Шукин ишларида ҳам кўринади. Улар концепт атамаси остида сўз, сўз бирикмаси, гап кўринишидаги лисоний ифодага эга ва тил эгасининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш учун ўзида муҳим лингвомаданий мазмунни жо этган маданиятнинг миллий маркерланган тимсоли¹⁵ни тушунадилар.

Н.В.Крючкованинг тадқиқотларида эса концепт тил эгаси онгида «ихчамлашган», «мухтасар» кўринишидаги ва «фақат дискурс даражасидаги коммуникацияда зоҳир бўлувчи билимлар захираси структураси»¹⁶ни тушунилади. Демак, концепт ўзининг репрезентациясини фақат коммуникация, ўзаро муносабатлар жараёнида намоён этувчи ментал тузилмадир.

Д.Худойберганова «Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати»да концептга уч нуқтаи назардан таъриф беради: «(лот. conceptus–тушунча) 1.Когнитив тилшуносликда: инсон онгининг ментал ва руҳий имкониятлари, унинг билими ва тажрибасини акс эттирувчи ахборот тизими бирлиги. 2. Лингвокультурологияда: менталлик хусусиятига ҳамда лисоний ифодага эга бўлган, этномаданий ўзига хослик билан ажралиб турувчи жамоа онги бирлиги. 3. Психоллингвистикада: инсоннинг билиш ва мулоқот фаолиятида юзага келадиган, унинг руҳияти қонуниятларига бўйсунувчи ҳаракатчан перцептив-когнитив-аффектив тузилма»¹⁷.

¹¹Сафаров Ш. Ўша ерда.

¹²Попова З.Д., Стернин И.А. Понятие «концепт» в лингвистических исследованиях. – Воронеж: изд. Воронежского ун-та, 2000. – С. 30.

¹³ Карасик В.И. Ценностная картина мира: межкультурный аспект // Языковое сознание: содержание и функционирование. Материалы XIII международного симпозиума по психоллингвистике и теории коммуникации. – М.: РАН ИЯ, 2000. – С. 106-107.

¹⁴Тильман Ю.Д. Культурные концепты в языковой картине мира: автореф. дисс... кан. филол. наук. – М., 1999. – С. 9.

¹⁵Азимов Э.Г., Шукин А. Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: ИКАР, 2009. – С. 112.

¹⁶ Крюčkова Н.В. Роль референции в концептообразовании и исследовании концептов: на материале русского, английского, французского языков: автореф. дисс... док. филол. наук. – Саратов, 2009. – С. 9.

¹⁷ Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – Б.25.



Мазкур категориянинг мукамал таърифларидан бири Д.М.Калишукнинг ишларидатақдим этилган. У концептни «маданият олами ва шахсий тушунчалар олами ўртасидаги кесишиш нуқтаси», тезкор менталбирлик; ментал лексикон, концептуал система ва тилнинг билиш жараёнларини амалга ошириш бирлиги»¹⁸ деб таърифлайди. Концепт структурасида ахлоқ, ният, истак, мақсад, ўй, қасд, аҳдқабилар қадриятлар системасини ташкил этади. Улар инсон ҳаётининг барча жабҳаларини тартибга солади, бошқаради, яхшилади ёки аксинча.

Г.В.Токарев концепт мазмуний тузилишига кўра икки хил бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Биринчи турдаги концепт ўзида бутун инсоният учун аҳамиятли ҳисобланган билимлар мажмуини ифодалайди. Бунга ёрқин мисол сифатида илмий ижод жараёнида олимнинг умумэтироф этилган тушунчалардан фойдаланишини келтириш мумкин. Муаллиф бундай концептларни универсал концептлар деб атайти. Иккинчи турдаги концептлар ўзига маълум бир белгилар (тил, тарих, маданият, дин ва б.) билан бирлаштириб турувчи лингвомаданий жамоага хос бўлган миллий ўзига хос билимларни жамлайди ва уларни маданий концепт деб аташ мумкин¹⁹.

Келтирилган таърифлар шуни кўрсатадики, замонавий илмий адабиётларда концепт моҳиятини тушунишда икки асосий ёндашувни кузатиш мумкин²⁰:

- 1) Оламнинг миллий-қадриятли интерпретацияси билан боғлиқ концепт тушунчаси;
- 2) Шахснинг когнитив фаолиятини амалга ошириш механизми билан боғлиқ концепт тушунчаси;

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида кўрсатиб ўтилган ёндашувлар бир-бирини инкор қилмайди: концепт универсал ментал тузилма сифатида объектив борлиқни билиш, қабул қилиш, объективлаштириш, категориялаштириш воситаси; маданий бирлик сифатида индивид томонидан жамоа (миллат) тажрибасини, бошқача айтганда, миллий ўзига хос тушунчаларни ўзлаштириш воситасидир.

Концепт ижтимоий-табiiй борлиқни билиш воситаси, шу билан бирга айнан ушбу билишнинг миллий концептлар муҳитида муҳрланган натижаси ҳамдир; образ, тушунча ва маъно ўрнини эгаллаган ва уларни ўз ичига соддалашган кўринишда синтезлаган лингвоментал тузилмадир²¹.

Шундай қилиб, концепт ўзида когнитив ва лингвистик, рационал ва эмоционал, мавҳум ва конкрет, универсал ва этник, умумиллий ва индивидуал-шахсий хусусиятларни жамлаган кўпўлчамли категория; бу «онг, тил, матн ва маданиятнинг ўзаро муносабатдорлигини тавсифловчи ҳодисадир»²². Концепт борлиқнинг маълум бир лавҳасини акс эттирувчи ва мавжуд борлиқ объектларининг номланиши ва

¹⁸Калишук Д.М. Базовые концепты современного англоязычного дискурса. Концепт «демократия» // Научный вестник Волынского ун-та им. Леси Украинки. – Луцк, 2009. – С. 81.

¹⁹Қаранг: Усманов Ф.Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: филол. фан. бўйича фалс.докт... дисс. – Тошкент, 2020. – Б. 23.

²⁰ Чижова Л.Е. Специфика репрезентации концепта здоровье в речевом этикете // Известия Саратовского университета. Новая серия Филология. Журналистика.– Саратов, 2009. – С. 47.

²¹ Воркачёв С. Постулаты лингвоконцептологии // Антология концептов. – Волгоград, 2005. – С. 11.

²²Крючкова Н. В. Роль референции и коммуникации в концептообразовании и исследовании концептов: на материале русского, английского, французского языков: автореф. дисс... канд. филол. наук. – Саратов, 2009. – С. 9.



категориялаштирилишига мувофиқ бўлган ментал бирликка айланган, маданий «либос»даги тушунчани ифодалайди, денотация, коннотациява эмоционалликни қамраб олади. Умуман, концепт ўзида маълум бир тил (демакки, маданият) эгасининг ментал оламидаги сўзнинг барча маънолари, тасаввурлари, ассоциациялари йиғиндисини мужассам этган моҳиятини ифодалайди²³, демак, маданий қадриятларга эга ҳамдир.

Кўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, концепт тавсифида яқдиллик бўлмагани боис, унинг тузилиши борасида ҳам яқдиллик йўқ. Айрим олимларнинг тахминича, концепт структурасиз, чунки унга перманентлик хос; айримлари учун концепт мураккаб кўпсатҳли қурилмадир.

Мазкур тадқиқотда концептга худди шундай – мураккаб тузилишга эга тузилма сифатида ёндашиш устуворлик қилади. Концептнинг тузилиши, унинг асосий сатҳларини ажратиш тадқиқот ишининг асосий мақсади бўлган оламнинг лисоний манзарасида миқдор муносабатларининг ифодаланишини тушуниш ва ўрганишни тизимлаштириш, таснифлаш имконини беради.

Шуни ҳам айтиш жоизки, миқдор тушунчасининг ўзи кўплаб ҳозирги замон маданиятларида у ёки бу даражада намоён бўлувчи универсал тушунча эканлигига қарамасдан, турли маданиятларда оламни миллий қабул қилиш, ундаги ўзига хос қадриятлар тизими, миқдор параметрларининг ўзи ва уларга бўлган муносабатлар, уларнинг шахс, жамият ва миллат ҳаёти учун ўзига хос кадр-қимматли ва муҳимлиги билан ўзгариб, турланиб боради.

З.Д.Попова концепт атамаси остида ўзида шахс ва жамиятнинг ифодаланаётган предмет ёки ҳодиса, ушбу ахборот, предмет ва ҳодисага нисбатан муносабатининг ижтимоий онг орқали интерпретацияланиши ҳақидаги комплекс энциклопедик ахборотни ташувчи когнитив фаолиятнинг натижасини акс эттирувчи, нисбатан тартибга солинган ички структурага эга инсон тафаккур кодининг асосий бирлигини тушунади²⁴.

Концепт структурасида қуйидаги даражаларни ўз ичига олган бир қатор структур компонентларни ажратиш олиш мумкин²⁵:

- 1) этимологик даражаўзида концепт семантикаси тарихий тараққиёт йўлининг тавсифини, унинг денотатив ва коннотатив маънолари шаклланишини намоён этади;
- 2) асосий даража, ўзида концептнинг замонавий қомусий маънолари мажмуини намоён қилади;
- 3) ассоциатив-кенгайтирувчи даража, концепт структурасида ассоциатив алоқалар негизида вужудга келувчи барча денотатив ва коннотатив маънолари йиғиндисини ўз ичига олади.

Е.В.Вдовинанинг таъкидлашича, синоним ва антонимлар луғатларидаги материалларни таҳлил қилишни назарда тутати²⁶.

²³ Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Школа “Языки русской культуры”, 1997. – С. 40.

²⁴ Попова З. Когнитивная лингвистика. – М., 2007. – 315 с. – С. 34

²⁵ Степанов Ю.С. Юкоридаги манба.– Б. 42-45; Филиппова М.А.Концепт «демократия» в американской лингвокультуре// Известия Волгоградского педагогического гос. ун-та,– Волгоград, 2007. – №2. – С. 18-22.



З.Д.Попова ва И.А.Стернинлар ҳам концептнинг қуйидаги уч асосий структур компонентлари ҳақида фикр билдирадилар²⁷:

- 1) **образ** – шахс ва миллат онгида оламнинг сезги органлари ва когниция ёрдамида олинган манзарасидир;
- 2) **ахборот мазмуни** – предмет ва ундан фойдаланиш учун дифференциал белгилар;
- 3) **интерпретация майдони** – концепт асосий ахборот мазмунининг интерпретацияси натижасида вужудга келувчи когнитив белгилар ёрдамида шаклланади.

В.И.Карасик концептида концепт структураси уч асосий компонентлар орқали намоён бўлади²⁸:

- 1) предметли-образли – хотирада муҳрланган у ёки бу объект, предмет, сифат, ҳодиса билан боғлиқ бир бутун умумий издир;
 - 2) тушунчавий таркиби, фреймда шаклланади;
 - 3) концептнинг мазмуний моҳиятини ўз ичига олган тушунчавий-рационал қисми.
- Мазкур ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб тадқиқотчилар концепт структурасида уч асосий компонентни ажратадилар. Улар турлича номланишларига қарамасдан, қуйидагича бирлаштирилади

- 1) **этимологик, предметли-образли қисм, образлиқисм** – объектнинг бевосита моддий ва маънавий идрок қилиниши, ижтимоий маданий борлиқнинг тадқиқ этилиши жараёнида тушунчага қўшилган бирламчи маъноси;
- 2) **асосий, тушунчавий қисм, ахборот қисми** – концептнинг ҳодиса, объектни идрок этиш натижасида шаклланган барча белгилари, сифат ва хусусиятлари йиғиндиси;
- 3) **ассоциатив-кенгайтирувчи, тушунчавий қисм, интерпретация қилинган майдон қисми** – ассоциатив алоқалар, концептнинг синтагматик, парадигматик муносабатлар, миллий концептлар муҳити негизида тил ташувчиси онгида пайдо бўлувчи барча белгилар.

Ю.В.Титова, З.Д.Попова, И.А.Стернинлар каби концепт тузилишида ядро (образ), ахборот қисми ва интерпретацион майдонни ажратади. Интерпретацион майдон концептнинг перифериясини ташкил этади²⁹. Интерпретация майдони бир таркибли эмас. Унда бир неча ўзаро ички мазмуний бирликка эга ва яқин бўлган қуйидаги когнитив белгиларни бирлаштирган алоҳида қисмлар (муаллиф уларни «худуд» деб атаган) ажратилади:

— умумий (яхши/ёмон), интеллектуал (ақлли/аҳмоқ), эстетик (чиройли/хунук), эмоционал (ёқимли/ёқимсиз), ахлоқий (меҳрибон/золим, адолатли/адолатсиз) баҳони акс эттирувчи баҳо қисми;

— концепт ва денотат, таълим ватажрибаҳамда концептнинг ўз денотати билан ўзаро муносабати билан танишликни талаб этувчи концепт белгиларини тавсифловчи қомусий қисм;

²⁶ Вдовина Е.В. Поздравление в речевом этикете: концептуальный и коммуникативный анализ // Русский язык за рубежом. – СПб: Златоуст, 2007 – №2. – С. 42.

²⁷ Попова З.Д., Стернин И.А. Семантико-когнитивный анализ языка. – Воронеж, 2007. – С. 74-80.

²⁸ Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – М.: Гнозис, 2004. – С. 109.

²⁹ Титова Ю. В. Структура концепта и методы его описания // Вестник Ульяновского государственного технического университета. – 2010. – № 4. – С. 17-18.



— концепт денотатига утилитар, прагматик муносабат, маълум бир прагматик мақсадлар учун қўллаш имкониятлари ва хусусиятлари билан боғлиқ билимларни ифодаловчи белгиларни бирлаштирган утилитар ҳудуд;

— концепт билан «ўралган» ҳудуддаги ахлоқ меъёрларини тайин этувчи регулятив қисм;

— концептнинг халқ турмуши ва маданияти (урф-одат, анъана, адабиёт намояналари, бадий асарлар, прецедент матнлар) билан алоқасини акс эттирувчи ижтимоий-маданий қисм;


— мақол, матал ва афоризмларда муҳрлаган тасаввур, инонч, эътиқодларни эттирувчи паремиологик қисм.

Шундай қилиб, концептнинг структур компонентлари умумлашмаси унинг моҳияти, тил ташувчиси онгидаги концепт билан уйғунлашиб кетган тасаввур ва ишонч-эътиқодларнинг тарихий тараққиётини ифодалаган барча билим, тавсиф ва белгилари йиғиндисини ифодалайди (1-расм).

Ушбу расмдан кўришиб турибдики, концепт маданият кўрсаткичи, маълум лингвомаданиятда турғунлашган тушунчаларни қамраган мураккаб структурали моҳиятдир. Концептнинг бундай структурасини ядро-периферия муносабатлари мантиқи нуқтаи назаридан тавсифлаш мумкин. Чунки концептнинг этимологик ва асосий қисмлари унинг ядросини, ассоциациялар қўшимча, кўпинча контекстуал ёки аксинча коммуникант онгида аллақачон шаклланган узоқ ва яқин перифериялар – коннотацияларни шакллантиради.

1-расм

Концепт структураси



Концептнинг ядросига бирламчи, ҳиссий қатлам, периферияга – ўта мавҳум, ёрқин образлар киради. Шуни таъкидлаш керакки, концепт майдонида концептуал белгининг периферияда жойлашуви унинг кам аҳамиятли эканлигидан далолат



бермайди бироқ ядродан узоқлашганлик даражасини кўрсатади. Шу билан бирга концептнинг мураккаб структураси уни батафсил, тўлиқ тавсифлаш жараёнини қийинлаштиради. Чунки концептга ном берган индивидуум онгида юзага келаётган мазмун, денотат ва коннотатларнинг ментал ифодаланиш жараёнини назорат қилишнинг амалда имкони йўқ.

Концепт структурасини қатъий, ўзгармас структура деб бўлмайди. Н.В.Крючкованинг таъбирича, у «қатъий вариатив бирлик: унинг мазмуни маданий-тарихий, ижтимоий, ёш, гендер дискурсив омиллар таъсири остида модификацияланади»³⁰.

Бундан ташқари, концептлар кўлами мунтазам равишда янги концептуал тавсиф, таърифларнинг пайдо бўлиши ёки кашф қилиниши ҳисобига ёки мазкур концепт билан ифодаланган тушунчанинг индивидуал, жамоавий, миллий ёки глобал онг таъсирида кенгайиб боради. Бошқача айтганда, модомики, алоҳида шахс ёки жамият янги сифатларни кашф қилиб, уларни концепт томонидан ифодаланган у ёки бу ҳодиса ёки жараёнга қўшимча қилар экан, албатта, концепт мунтазам кенгайиб бораверади.

Г.Г.Слышкин концептнинг асосий тавсифлари сифатида қуйидагиларни белгилайди³¹:

- 1) комплекс мавжудлиги – концепт комплекс ифода сифатида мунтазам тил, онг ва маданият доирасида шаклланади;
 - 2) ментал табиатга эга;
 - 3) тил эгаси онги билан чекланганлик – концепт индивидуал ва жамоаонгида бир вақтда мавжуд бўлади;
 - 4) шартланганлик–концептнинг маданият вакиллари онгининг синкретиклиги билан шартланганлиги;
 - 5) когнитив-умумлаштирувчи йўналганлик;
 - 6) ифода планидаги вариантлик – концептни ифодалашда турли даражадаги вербал ва новербал белгиларни қўллаш мумкинлиги;
 - 7) тарихий-ижтимоий, касбий, гендер ва б. омилларга боғлиқ ўзгарувчанлик, вариативлик;
 - 8) уч компонентлик – концепт реал борлиқдаги уч кўринишда намоён бўлади:
 - а) концепт системавий потенциал сифатида мавжуд, яъни ушбу системавий потенциал «тил эгаси томонидан тўпланган ва лексикографияда қайд этилган лисоний меросдир»³²;
 - б) концепт субъектив потенциал сифатида ҳам мавжуддир, яъни индивидуум хотирасида сақланаётган лисоний меъросдир; (в) концептнинг матнли воқеланиши.
- С.Г.Воркачев қўшимча тарзда концептнинг қуйидаги белгиларини ажратади³³:

³⁰Крючкова Н.В. Роль референции и коммуникации в концептообразовании и исследовании концептов: на материале русского, английского, французского языков: автореф. дисс... док. филол. наук. – Саратов, 2009. – С. 7.

³¹ Слышкин Г. Г. Лингвокультурные концепты и метаконцепты: монография. – Волгоград: Перемена, 2004. – С. 221.; Карасик В. И., Слышкин Г. Г. Базовые характеристики лингвокультурных концептов. – Волгоград, 2005. – Т. 3. – С. 13-15.

³² Лыткина О. И. Проблемы изучения концепта в современной лингвистике// Rhema. Рема. – М., 2009. – №4. – С. 72.



- 1) «**ҳиссийлик**»–шахс концептларни бошидан кечириши керак;
- 2) **семиотик вариантлик (зичлик)**– концептнинг синонимлар орқали ифодаланиши (сўзлар ва синтактик конструкциялар, мавзуй майдон ва қаторлар, паремиялар, фольклор сюжетлари, ахлоқий меъёр ва стереотиплар, урф-одатлар, моддий маданият предметлари ва ҳ.к.;
- 3) **ифода планига боғланганлик**– концепт номининг ассоциатив, синтагматик ва парадигматик алоқаларга киришиши, ушбу номнинг аҳамиятлилиги.

Хуллас, мавҳум категорияни тушунча, концепт сифатида идентификациялашга имкон берувчи белгини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Айтилган фикрларга қўшимча қилиш мумкинки, концептлар маданий маркерланганлиги ва ёрқин миллий табиатга эгалиги билан характерланади. Концепт ўзининг вербал ёки новербал ифодасига эга бўлиши, «ўзининг оғзаки, вербал ифодасига эга бўлмаган тақдирда ҳам ўзига мувофиқ бошқа ифода шаклини топиши мумкин»³⁴.

Концепт хусусиятлари

- комплекс мавжудлик
- ментал
- табиатга эга
- тил эгаси онги билан чекланганлик
- шартланганлик
- когнитив-умумлаштирувчи йўналтирилганлик
- ифода планидаги вариантлилик
- ўзгарувчанлик
- уч компонентлилик
- "ҳиссийлик"
- семиотик вариантлилик
- ифода планига боғланганлик

Биз В.И.Карасикнинг концепт ифодаловчисига «(концептнинг) мазмунини тўғридан-тўғри ва билвосита ифодаловчива тараққий эттирувчи лисоний ва нолисоний воситалар йиғиндисидир»³⁵ деб берган таърифига қўшилаемиз.

Вербал ёки бошқа моддий ифодага эга бўлмаган концептлар, концептосферани (Д.С.Лихачев термини) тадқиқ қилиш жараёнларини мураккаблаштиради, шунинг учун тилшунослик фанлари учун лисоний белгилар ёки бошқа семиотик системада муҳрланган ментал тузилмалар тадқиқот объекти вазифасини бажаради.

Концептлар инсон онгида шаклланадиган турли категорияларнинг асосини ташкил қилади, улар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Ўз ифода шаклидан қатъий назар концептлар оламнинг барча объектлари ва ҳодисаларининг маълум лисоний маданият вакиллари ёки умуминсоний қандай тушунилишини ифодалайди.

³³ Воркачев С.Г. Лингвокультурный концепт: типология и области бытования: Монография. – Волгоград: ВолДУ, 2007. – С. 15 – 16.

³⁴ Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. - М.: Гнозис, 2004. – С. 110.

³⁵ Карасик В.И. Юқоридаги манба. – Б. 133.



Борлиқнинг турфа хиллиги концептларнинг ҳам шундай хилма-хиллигини талаб қилади.

Хуллас, илмий адабиётларда концепт тушунчаси остида ўзида миллий менталлик, тарихий, ижтимоий, маданий хусусиятлари таъсирида шаклланган, лингвистик ва экстралингвистик ифодасига эга, когнитив бирлик, схема, фреймларни бириктирган мураккаб тузилма англашилади.

Концепт ўз моҳиятига кўра мураккаб тузилма, унда бир қатор компонентлар ва қисмлар, шу билан бирга этимологик, асосий, ассоциатив қаторларни ажратиш мумкин.

Турли омиллар, аввало, миллий идрок интизоми, халқ, миллат менталитети, концепт шаклланадиган маданий меъёрлар таъсирида кўрсатиб ўтилган қисмлар семантик ва ассоциатив жиҳатдан мунтазам бойиб, ўзгариб боради. Таъкидлаш керакки, бундай ўзгариш узоқ вақтни талаб этади.

References:

1. Кондаков Н. И. Логический словарь-справочник. – Москва: Наука, 1975.– С. 258.
2. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Школа “Языки русской культуры”, 1997.– С. 42.
3. Кондаков Н.И. Кўрсатилган манба.– Б. 456.
4. Алефиренко Н. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: Учеб. пособие – М.: Флинта: Наука, 2010. – С. 136.
5. Кондаков Н.И. Кўрсатилган манба. – Б. 456 – 457.
6. Карнап Р. Значение и необходимость : исследование по семантике и модальной логике: монография - Москва: Изд-во иностр. лит., 1959 // https://biblioclub.ru/index.php?page=book_red&id=256402
7. Философский словарь. Под ред. И.Т.Фроловой. – М.: Политиздат, 1991. – С. 203.
8. Йигиталиев У. Кўрсатилган манба. – Б. 34.
9. Арутюнова Н.Д. Понятие судьбы в контексте разных культур // Научный совет по истории мировой культуры. – М.: Наука. I полугодие, 1994. – С. 3.
10. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2008, – Б. 17.
11. Сафаров Ш. Ўша ерда.
12. Попова З.Д., Стернин И.А. Понятие «концепт» в лингвистических исследованиях. – Воронеж: изд. Воронежского ун-та, 2000. – С. 30.
13. Карасик В.И. Ценностная картина мира: межкультурный аспект // Языковое сознание: содержание и функционирование. Материалы XIII международного симпозиума по психолингвистике и теории коммуникации.– М.: РАН ИЯ, 2000. – С. 106-107.
14. Тильман Ю.Д. Культурные концепты в языковой картине мира: автореф. дисс... кан. филол. наук. – М., 1999. – С. 9.
15. Азимов Э.Г., Щукин А. Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: ИКАР, 2009. – С. 112.



16. Крючкова Н.В. Роль референции и коммуникации в концептообразовании и исследовании концептов: на материале русского, английского, французского языков: автореф. дисс... док. филол. наук. – Саратов, 2009. – С. 9.
17. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – Б.25.
18. Калищук Д.М. Базовые концепты современного англоязычного дискурса. Концепт «демократия» // Научный вестник Волынского ун-та им. Леси Украинки. – Луцк, 2009. – С. 81.
19. Қаранг: Усманов Ф.Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: филол. фан. бўйича фалс.докт... дисс. – Тошкент, 2020. – Б. 23.
20. Чижова Л.Е. Специфика репрезентации концепта здоровье в речевом этикете // Известия Саратовского университета. Новая серия Филология. Журналистика. – Саратов, 2009. – С. 47.
21. Воркачѳв С. Постулаты лингвоконцептологии // Антология концептов. – Волгоград, 2005. – С. 11.
22. Крючкова Н. В. Роль референции и коммуникации в концептообразовании и исследовании концептов: на материале русского, английского, французского языков: автореф. дисс... канд. филол. наук. – Саратов, 2009. – С. 9.
23. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Школа “Языки русской культуры”, 1997. – С. 40.
24. Попова З. Когнитивная лингвистика. - М., 2007. – 315 с. – С. 34
25. Степанов Ю.С. Юқоридаги манба. – Б. 42-45; Филиппова М.А. Концепт «демократия» в американской лингвокультуре // Известия Волгоградского педагогического гос. ун-та, – Волгоград, 2007. – №2. – С. 18-22.
26. Вдовина Е.В. Поздравление в речевом этикете: концептуальный и коммуникативный анализ // Русский язык за рубежом. – СПб: Златоуст, 2007 – №2. – С. 42.
27. Попова З.Д., Стернин И.А. Семантико-когнитивный анализ языка. – Воронеж, 2007. – С. 74-80.
28. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – М.: Гнозис, 2004. – С. 109.
29. Титова Ю. В. Структура концепта и методы его описания // Вестник Ульяновского государственного технического университета. – 2010. – № 4. – С. 17-18.
30. Крючкова Н.В. Роль референции и коммуникации в концептообразовании и исследовании концептов: на материале русского, английского, французского языков: автореф. дисс... док. филол. наук. – Саратов, 2009. – С. 7.
31. Слышкин Г. Г. Лингвокультурные концепты и метаконцепты: монография. – Волгоград: Перемена, 2004. –С. 221.; Карасик В. И., Слышкин Г. Г. Базовые характеристики лингвокультурных концептов. – Волгоград, 2005. – Т. 3. – С. 13-15.
32. Лыткина О. И. Проблемы изучения концепта в современной лингвистике // Rhema. Рема. – М., 2009. –№4. – С. 72.
33. Воркачев С.Г. Лингвокультурный концепт: типология и области бытования: Монография. – Волгоград: ВолДУ, 2007. – С. 15 – 16.



34. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. - М.: Гнозис, 2004. – С. 110.
35. Карасик В.И. Юқоридаги манба. – Б. 133.